

ХАБАРЛАР

Оятуллоҳ Али Ҳоманайи билан видолашув учун Техронда минглаб одам кўчага чиқди

дақиқа аввал



Техронда Ҳоманайини сўнгги йўлга кузатаётган эронликлар, 6 июль, 2026

6 июль куни Техронда Эроннинг мархум олий раҳбари оятуллоҳ Али Ҳоманайини сўнгги манзилга кузатиш учун минглаб одам кўчага чиқди.

Дрон орқали олинган тасвирларда пойтахт марказидаги кенг хиёбонлар одамлар билан тўлгани акс этди. Маросим бир ҳафтадан буён давом этаётган хотира тадбирларининг энг йириги бўлиб, расмийлар уни мамлакат диний раҳбарияти атрофидаги қўллаб-қувватлов намойиши сифатида баҳоламоқда.

Маросим давомида ҳалок бўлган олий раҳбар ва унинг оиласидан тўрт кишининг тобути юк машинасида шаҳар кўчалари бўйлаб олиб ўтилди. Иссиқ об-ҳаво шароитида қатнашчиларни салқинлаштириш учун ён-атрофдан сув сепилди.

Али Ҳоманай АҚШ ва Исроил томонидан амалга оширилган, деб таърифланган ҳужумда ҳалок бўлгани айтилган. Унинг ўрнига тайинланган Мўжтабо Ҳоманайнинг омма олдида кўриниш бермаётгани эса мамлакат ичида ва халқаро майдонда турли саволларга сабаб бўлмоқда.

Али Ҳоманай билан боғлиқ жаноза ва мотам маросимлари Эрон ҳамда Ироқнинг турли шаҳарларида олти кун давом этади. Унинг дафн маросими 9 июль куни марҳум олий раҳбарнинг туғилган шаҳри Машҳадда ўтказилиши режалаштирилган.

Эрон давлат телевидениеси хабар қилишича, 3 июль куни айрим хорижий давлатлар вакиллари маросимда иштирок этиш учун Техронга етиб борган.

Давлат телевидениеси тарқатган кадрларда Хитой, Беларус, Ироқ ва Туркманистон делегацияларининг Техронга боргани намойиш этилди.

Шунингдек, Эрон расмий телевидениеси Ўзбекистон делегацияси - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов бошчилигидаги делегация Эронга боргани намойиш қилинди.



Ўзбекистон делегацияси Эрон олий раҳбарининг дафн маросимида иштирок этди

Эронда марҳум олий раҳбар Али Хоминаий билан видолашиш учун 6 кунлик мотам маросимлари бошланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери Нуриддин Исмоилов бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этди.

Kun.uz расмий канали

👍 619 ❤️ 255 🙏 116 😊 42 😄 31 🤔 29
🔥 13 🙄 10

t.me/kunuzofficial/172111

283K 🌐 Jul 3 at 14:21